

НАСРИЙ АСАРЛАРДА ЛЕКСИК ГУРУХЛANIШ

Шарипова Еъзоза Фазлиддин қизи

Гулистан давлат педагогика институти, Хорижий тил ва адабиёти таълим йўналиши 2-курс талабаси

Аннотация: Ўзбек тилишунослигининг бир қирираси бўлмиши қиёслаи масаласига ургу берилган. Яъни ўзбек адабларининг илмий асарларини тилишунослик сатҳлари бўйича таҳлилга турганлигимиз мақоланинг асосий мақсадини ташкил этади.

Калит сўзлар: лексикология, қиёслаш, омонимлик, синонимлик, антонимлик, кўп маънолик.

Ўзбек тили лексикологияси маънодошик имкониятларга мувофиқ қилиб ифодалашда маънодошларнинг аҳамияти катта. Олимларимиздан С.Усмонов, А.Аржиев, И.Қўчқортов, С.Исомуҳамедова, М.Рахматуллаева ва бошқаларнинг маънодошларга бағишлиланган илмий мақолаларида маънодош сўзларнинг маънолари, ҳосил бўлиш йўллари ҳақида қимматли фикрлар ўртага ташланган. Академик В.В.Виноградов «Асосий лугат фондининг ривожланишидаги энг ҳарактерли хусусият унинг маънодошлар билан бойишидир», дейди.²¹ Маънодош сўзларнинг тил лугат составининг бой ва рангбаранглигини кўрсатувчи омиллардан биридир. Маънодошлар фикрни аниқ ва мақсадга мувофиқ қилиб ифодалашда ёрдам беради. Шу сабабли, сўз санъаткорлари улардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиласадилар. Севимли шоир Фофур Ғулом ўзбек тилининг сўз бойлигидаги рангбаранг маънодошларни янги эстетик тушунчаларни очишга хизмат қиласадилар. У «бир - биридан ёки маъно маънолари билан, ёки услубий бўёқ билан, ёки ҳар икки хусусиятлар билан фарқланадиган» маънодошлардан усталик билан фойдаланди. У фикрни аниқ ва яққол ифодалаш, «мазмунни қуюқ мисраларда баён этиш»²² учун маънодош сўзларни ўз асарларида сақлаб ишлатди. Шоир шеърларда бирдан ортиқ сўзларнинг ўзаро семантик алоқага киришидан ҳосил бўлган маънодошлар кўплаб учрайди. Фофур Ғулом маънодош сўзларнинг ўзаро мутлақ teng эмаслигига, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга эканлигига ва маъноларидаги нозик фарқларига доимо катта эътибор қиласадилар. Маънодош сўзлардан ўзи яратган образларнинг қиёфасини китобхон кўз олдида гавдалантириш ва уларнинг ички кечинмаларини ҳар томонлама мукаммал ифодалаш учун фойдаланди. Маълумки, ҳар бир маънодош сўз бири иккинчисидан ўзига хос маъно хусусиятлари билан фарқланади. «Уларнинг айримлари муайян бир

²¹ Усмонов С. Хорзирги замой ўзбек адабий тилида омоним ва синонимлар. –Тошкент, 1959; А.Хожиев. Ўзбек тили синонимларининг кисқача лугати. –Тошкент, 1963; Қўчқортов И. Синоним сўзлар ва уларнинг бা�ъзи бир хусусиятлари // Тилишунослик масалалари, № 1. – Тошкент, 1960; Исомуҳамедова С. Синонимларнинг вужудга келиш йўллари ҳақида бা�ъзи мулоҳазалар// Тилишунослик масалалари, № 1. – Тошкент, 1960; Виноградов В.В. Значение работ... для развития советского языкоznания. Материалы объединённой научной сессии. – Москва, 1951. –С. 63.

²² Аиресян Ю.Д. Проблема синонима// ВЯ, № 6. –Тошкент, 1957 –С. 85; Чернишевский Н.Г. Русские писатели о языке // Хрестоматия. – Ленинград, 1954. –С. 203.; Қўчқортов И. Синоним сўзлар ва уларнинг бা�ъзи бир хусусиятлари // Тилишунослик масалалари, № 1. –Тошкент, 1960. –Б. 5.

маънонинг турли маъноларидан иборат бўлади». Шундай хусусиятларни ўзида сақлаган идеографик маънодошлар Фофур Ғулом шеърларида ўринли ишлатилган. Шу жиҳатдан шоир поэзиясидаги баъзи сўзларнинг турли маъноларини ифодаловчи маънодошлар сифатида берилишини кўриб ўтамиз. Рашанки, ўзбек тилида ўқраймоқ» сўзи ёмон ниятда бўлмоқ маъносида «кўз алайтироқ» ибораси билан маънодошик муносабатга киришади. Фофур Ғулом бу хусусиятдан фойдаланиб ўзининг «Яловбардорликка» шеърида инглиз имприализмининг фуқаролар уруши давридаги босқинчилигини, ваҳшийлигини ва ўзининг уларга нисбатан бўлган ғазабини, нафратини ифодалаш учун кўз алайтироқ иборасини қўллади:

Душман тополмай паноҳ
Сарбдан маълун босириқда кафан танли инглиз,
Така туркман рўзгорига кўз олайтирган иблис,
Бир ҳамланинг шиддатидан тамтарақай қочганда,
Ҳар қадамда туман зафар қучогини очганда.
(1, 1956, 32)

«Икки васиқа» поэмасида ўз вақтида соликларни тўлай олмаган меҳнаткаш халқقا Амин ва қозиларнинг ғазаб билан муомалада бўлиши ва уларнинг ёрларини ўзлари ҳисобига ўтказиб олиш воқеасини бўрттириб ифодалаш мақсадида юқоридаги форманинг сўз тартибини ўзгартириб беради:

Тўрт олачиқ, беш капа, ёрларимиз
Баримтой - чўн Амингадир васиха.
Қози ғазаб билан олайтириб кўз
Муҳр босди, муҳрни муҳири сийҳа.
(1, 1956, 252)

Бошқа бир асарида эса бу ибора билан маънодошик муносабатда бўлган ўқраймоқ сўзини қўллайдики. Натижада шоир рангбаранглигига эриша олган. Тиқилмоқ сўзи «кўз олмай қарамоқ кўз узмай турмоқ» маъносини ифодалайди. Фофур Ғулом бу сўзни айни шу маънода тўғри ва ўринли қўллади:

Бир кафт тупроқни олиб саккиз, ўн ётуқ киши,
Тонг отгунча тиқилиб, текширган чоғлар бўлур.
(II, 1957, 43)

Ҳозирги ўзбек тилида бирор нарса ёки томонга кўз ташламоқ назар ташламоқ маъносини қарамоқ реаллаштиради. Шоир ўз асарларида бу сўзни ана шу маъносида қўллаб, тўғри иш қилган, албатта. Масалан:

Танкларнинг туёқлари ёрга ботаркан,
Командирга сўхим кириб қараб қоламан.
(1, 1956, 142)

Шоир ўрни қелганда эса қарамоқ сўзига маънодош бўла оладиган бормоқ сўзидан ҳам фойдаланган. Маълумки, қарамоқнинг маънодоши бормоқ Тошкент шевасига хос сўз. У адабий тилда кам қўлланган. Бироқ Фофур Ғулом шу шева вакили бўлгани учун

ҳам бу сўздан кўп фойдаланган ва унинг адабий тилдан ўрин олишига ўз ҳиссасини кўшган:

Ариқ лиммо-лим тиник сув мавжи
Сўқланиб оламнинг хуснига боқар.
(II. 1957, 267)

Фофор Ғулом ўзининг «Сен етим эмассан» шеърида эса тикламоқ сўзига идеографик маънодош бўла оладиган термулмоқ феълидан усталик билан фойдаланган:

... Оталик ҳиссининг
Бебаҳо лазиз
Тўлқинлар ичра
Барқ бўлиб кетиб,
Азиз бошинг устида
Термулмоқдаман.

Маънодош сўзлар бадиий адабиётда, хусусан поэзияда жуда муҳим тасвирлаш воситаларидан бири саналади. Фофор Ғулом маънодош сўзлар ёрдами билан кишиларнинг хусусиятларни, воқеа-ҳодисаларни, аник, равшан ва жонли қилиб ифодалай олди. Бир сўзни ўринсиз тақорорлашга йўл қўймади, услубнинг равон ва кўркам бўлишини таъминлади. Шу билан шеърнинг ихчам чиқишига кенг йўл очди. Сўз маъноларини, маънодаги турли маъноларни, эмоционал бўёқларнинг ҳарактерини очишида чуқур фикр юритиш имконини очишида чуқур фикр юритиш имконини берди. Буларнинг ҳаммаси Фофор Ғулом поэзияси тилининг гўзал ва рангбаранг бўлишида муҳим роль уйнади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аиресян Ю.Д. Проблема синонима// ВЯ, № 6. –Тошкент, 1957 –С. 85.
2. Виноградов В.В. Значение работ... для развития советского языкоznания. Материалы объединённой научной сессии. –Москва, 1951. –С. 63.
3. Исомуҳамедова С. Синонимларнинг вужудга келиш йўллари ҳақида баъзи мулоҳазалар// Тилшунослик масалалари, № 1. –Тошкент, 1960.
4. Кўчқортосв И. Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари // Тилшунослик масалалари, № 1. –Тошкент, 1960.
5. Кўчқортосв И. Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари // Тилшунослик масалалари, № 1. –Тошкент, 1960. –Б. 5.
6. Усмонов С. Ҳорзирги замой ўзбек адабий тилида омоним ва синонимлар. – Тошкент, 1959.
7. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати. –Тошкент, 1963.
8. Чернишевский Н.Г. Русские писатели о языке // Хрестоматия. –Ленинград, 1954. –С. 203.